

# КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЎРНАТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Бугун вилоят ҳокимлиги катта мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 ийл 12 июндаги “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-93-сонли Фармонининг мазмун-моҳиятига бағишиланган муҳокама йиғлиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Беҳзод Мусаев, вилоят ҳокимининг ўринbosари Файзуллажон Қосимов, вилоят солик, божхона, иқтисодиёт ва молия бошқармалари, тижорат банклари раҳбарлари иштирок этдилар.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган йиғилишни шаҳар ва туман студияларидан ҳам масъуллар, ҳоким ёрдамчилари бевосита кузатиб бордилар.

Маълумки, республикада камбағалликка қарши курашиш жараёнини янги босқичга олиб чиқиш, бу ишларга тадбиркорлик субъектларини манфаатли ҳамкорлик асосида жалб қилиш ва уларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури ишлаб чиқилиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилган “ҳамкорлик шартномалари” асосида ихтиёрий равишда иштирок этиши белгиланди.

Шу асосда ҳудудларда тегишли масъуллар иштирокида муҳокама йиғилишлари ўтказилиб, фармоннинг мазмун-моҳияти тушунтирилмоқда.

Бугун ташкил этилган учрашувда ҳам Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Беҳзод Мусаев фармон билан белгилаб қўйилган “ҳамкорлик шартномалари”нинг тартиби, тадбиркорларга яратилаётган имконият ва қулайликлар, имтиёзлар ҳақида тўхталди.

“20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастурига киритилган тадбиркорларга молиялаштириш, солиқقا тортиш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун зарур маблағлар ва инфратузилма билан таъминлаш, солик ва божхона маъмуриятчилигини соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш йўналишларида бериладиган табакалаштирилган имтиёз ва преференциялар бўйича вилоятдаги масъулларнинг ҳам иштироки мухим эканлиги, жиддий ёндашган ҳолда тадбиркорларга кўмакдош бўлиш орқали камбағалликни қисқартириш ва ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлашга эришиш мумкинлиги алоҳида таъкидланди.

Шаҳар ва туман студияларидан боғланган масъуллар ҳам йўналишлари бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот берди.

Ҳудудлардаги ҳоким ёрдамчилари ўзига бириктирилган худуд паспортини мукаммал шакллантириб, ҳар бир хонадонни хатловдан ўтказилгани, ишсиз фуқаролар ва уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича аниқ таклифлар бўлиши кераклиги бўйича ҳам вазифалар юкланди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram

2023-06-27 16:45:37